

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАХАНОВА ВЕНЕРА РАДЖАПОВНА

**«КИТОБИ ДАДАМ ҚЎРҚУТ»ДАГИ АЙРИМ МОТИВ ВА
СЮЖЕТЛАРНИНГ ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИДА ҚАЙТА ИШЛАНИШ
ТАМОЙИЛЛАРИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК:398.5(=512.133)+(=512.121):82-191(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Атаханова Венера Раджаповна

«Китоби дадам Қўрқут»даги айрим мотив ва сюжетларнинг Хоразм дostonларида
кайта ишланиш тамойиллари

Атаханова Венера Раджаповна

«Принципы переработки в хорезмских дастанах отдельных мотивов и сюжетов из
«Книги моего деда Коркуда».....

Ataxanova Venera Radjapovna

The principles of processing in the Khorezm dastanaspecific motives and plots from the
«Book of my grandfather Korkuda».....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАХАНОВА ВЕНЕРА РАДЖАПОВНА

**«КИТОБИ ДАДАМ ҚЎРҚУТ»ДАГИ АЙРИМ МОТИВ ВА
СЮЖЕТЛАРНИНГ ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИДА ҚАЙТА ИШЛАНИШ
ТАМОЙИЛЛАРИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида №В2019.4.PhD/Ғ11067 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Уртаги давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг
www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сафарбой Рузимбоев
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Жаббор Эшонкулов
филология фанлари доктори, профессор

Камол Палымбетов,
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Нукус давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи
DSc 30.08.2018 Ғ11 46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» сентябрь соат
_____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси,
5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий
кутубхонасида таништириш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100,
Тошкент, Звездилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «03» сентябрь да тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баёниномаси).



Б. Тухлов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси Уринбосари,
ф.ф.д. профессор



Л. Худайкулова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Ш. Турдимов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида анъанавий бадий маданиятнинг энг қадимий қатламига мансуб миллий эпосларнинг тарихий-генетик асосларини ойдинлаштириш орқали уларнинг поэтик тафаккур тараққиётида тутган ўрнини белгилашга қаратилган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Натижада дунё халқлари бадий сўз санъатининг шаклланиши ва ривожланишига бевосита жонли ижро жараёнида яратилган фольклор анъаналари, жумладан, архаик эпос сюжетларининг поэтик трансформацияси асос бўлганлиги аниқланди. Бу эса азалдан ўзаро яқин маданий-иқтисодий муносабатлар доирасида ривожланиб, жаҳоншумул маънавий қадриятларни биргаликда яратган туркий халқлар оғзаки ижоди учун муштарак саналадиган «Ўғузнома», “Китоби дадам Қўрқут” сингари мухташам эпосларнинг минтақа халқларининг фольклор анъаналарига, хусусан, ўзбек халқ оғзаки ижоди тараққиётига кўрсатган таъсири ва эпик сюжетлар эволюциясида тутган муҳим ўрнини асослаш имконини берди.

Дунё фольклоршунослигида эпос назариясини такомиллаштириш борасида бир қатор янги илмий концепциялар, жумладан қаҳрамонлик эпосининг устувор белгиси тарихийликка асосланиши, миллий эпосларнинг архаик қатлами баҳодирлик эртаклари сюжетининг поэтик трансформацияси асосида шаклланганлиги, ёзма манбалар ҳолида оммалашган эпик асарлар бадий адабиёт тараққиётига катта таъсир кўрсатиши баробарида фольклордаги эпик анъана ривожини таъминловчи бош омиллардан бири бўлганлиги хусусидаги илмий қарашлар шаклланди. Ана шундай янги илмий-назарий қарашлар аждоқларимиз томонидан яратилиб, асрлар давомида жонли оғзаки ижро орқали тараққий этиб келган дostonларни ўрта аср туркий эпосининг бизгача турли кўринишларда етиб келган намуналари билан қиёсий таҳлил қилиш асносида эпик тафаккур ривожини таъминловчи устувор мезонларни аниқлашга асос беради.

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқ дostonларининг шаклланиш тарихи, тадрижий ривожини ва бадииятини чуқур ўрганиш, ҳозирга қадар сақланиб келаётган бахшилик санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги 2018 йил 1 ноябрдаги 3-ПҚ-3990 қарорида: «Хар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди-фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади»,¹ дея таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, маънавий меросимиз дурдонаси

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида // “Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни”. Халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами. –Тошкент, 2019. – Б.110.

хисобланган фольклор асарларининг ўзига хос табиати, шаклланиш тарихи ва туркий халқлар бадий тафаккури контекстида тутган ўрнини ёритиш долзарб масалалардан биридир. Жумладан, туркий халқларнинг муштарак адабий мероси «Китоби дадам Қўрқут»нинг туркий халқлар эпосига таъсири, жумладан, Хоразм воҳаси дostonларининг сюжет тизимидаги изларини ўрганиш эпик анъананинг тадрижий ривож қонуниятларини очишга асос бўладиган янги илмий хулосалар чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-27-28-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ-304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Китоби дадам Қўрқут» эпосини ўрганиш ишлари XIX асрнинг дастлабки йиллариданок немис олимлари томонидан бошланган бўлиб, мазкур эпос билан 1815 йилда Диц, 1950 йилда Э.Росси, 1859 йилдан Т.Нельдеке шуғулланган. 1892 йилда Т.Нельдеке ўз материалларини В.В Бартольдга тақдим этган.² В.В.Бартольд бу эпосни 1962 йилда рус тилига тўла таржима қилиб, тадқиқотлар билан биргаликда нашрдан чиқарган³. Кейинчалик ўғуз эпоси устида А.Туманский ва В.М.Жирмунскийлар катта тадқиқот ишларини амалга оширганлар.⁴

Туркий халқлар, хусусан Озарбайжон фольклоршунослигида мазкур эпос бўйича тадқиқотлар кўплаб яратилди. Х.Г.Кўрўғли, М.Ҳакимов,

² Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.:Наука, 1973. – С.519.

³ Книга моего деда Коркута. – М.-Л.: Наука, 1962.

⁴ Кўрсатилган манба. – Б.519-631.

Ш.Жамшидов каби олимларнинг ишларида мумтоз эпоснинг турли қирралари кашф этилди. Бу борада Х.Г.Кўрўғлининг тадқиқотлари алоҳида кўзга ташланади. Унинг «Ўғузларнинг қаҳрамонлик эпоси ҳақида янги маълумотлар»⁵ мақоласи энг қимматли фикрларни ўзида мужассам этганлиги билан муҳим илмий қимматга эга. Эпос ҳақида Ҳ.Орасли, А.Султонли, М.Тахмасиб, А.Аджиев ва бошқаларнинг ҳам муҳим тадқиқотлари мавжуд.

«Китоби дадам Қўрқут» асарининг ўзбек дostonчилигига бўлган муносабати масаласи шу пайтгача махсус ўрганилмаган. Ундаги мотив ва сюжетларнинг айрим дostonларда кўзга ташланиши ҳақида ўзбек фольклоршунослигида баъзи қайдлар кўзга ташланади. Бу қайдлар дастлаб В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобида учрайди⁶. Кейинчалик Т.Мирзаев, Н.Раҳмонов, С.Р.Рўзимбоев, М.Жўраев, Ж.Эшонқул, Р.Жуманиёзовларнинг айрим монография, рисола ва мақолаларида, шунингдек эпоснинг 2019 йилда нашр қилинган янги таржимасида «Китоби дадам Қўрқут» асарининг «Алпомиш», «Юсуф ва Аҳмад», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonларидаги мотивларга алоқадор шохобчалари хусусида айрим фикрлар билдирилади.⁷

Кейинги йилларда ушбу эпосга бўлган қизиқиш анча кучайди ва бир қанча тадқиқотлар юзага кела бошлади. Т.Мирзаев ва М.Жўраевларнинг «Китоби дадам Қўрқут ҳақида»⁸ мақоласи шулар жумласидандир. Мақола муаллифлари «Китоби дадам Қўрқут» асарининг Туркия ва Озарбайжонда ўрганилишига тўхталадилар ҳамда эпоснинг Ўрта Осиёда шаклланиши, кейинчалик Кавказ ҳудудига кўчганлиги хусусида муҳим далилларни келтиришади. Шу жараёнда Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» асарида мазкур эпосдан парчалар берилганлиги, аммо бу парчалар ўғуз эпоси таркибига кирмаганлигига эътиборни тортиб, «Китоби дадам Қўрқут»нинг Абулғозийхон даврида бошқа вариантлари ҳам бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас, деган фикрга келишади. «Алпомиш» ва «Китоби дадам Қўрқут» дostonларини қиёсий ўрганган Ж.Эшонқулов бу эпик асарларнинг сюжет тизимидаги муштарак мотивларни аниқлаган.⁹

С.Рўзимбоевнинг «Абулғозий Баҳодирхон Қўрқут ота ҳақида»¹⁰

⁵ Короғлы Х.Г. Новые данные о героическом эпосе огузов // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №4. – Б.36-42. Шу муаллиф. Шаман, полководец, озан (эволюция образа деде Коркута) // Советская тюркология. – Баку, 1972. – №2. – С.48-62.

⁶ Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ 1947. – С.52.

⁷ Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008; Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.113; Раҳмонов Н.А. Орхон-Енисейский памятники и тюркские эпосы: Автореф. дисс. док. филол. наук. – Ташкент, 1991; Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талкин. – Қарши: «Насаф», 1999; Шу муаллиф. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006; Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент: Фан, 1985; Мирзаев Т., Жўраев М. «Китоби дадам Қўрқут» ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – №5. – Б.33-38; Жуманиёзов Р. Донг қозонган дoston. – Тошкент: Фан, 1993; Китоби дадам Қўрқут. С.Р.Рўзимбоев таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: М.Пирназарова, Н.Собирова. – Урганч: УрДУ нашриёти, 2019.

⁸ Мирзаев Т., Жўраев М. «Китоби дадам Қўрқут» ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – №5. – Б.33-38.

⁹ Эшонқулов Ж. «Алпомиш» дostonи ва «Дада Қўрқут»даги тутқунлик мотивининг қиёсий таҳлили // «Алпомиш» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент, 1999. – Б.165-173.

¹⁰ Рўзимбоев С. Абулғозий Баҳодирхон Қўрқут ота ҳақида // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2009. – 1-сон. –

мақоласида Т.Мирзаев ва М.Жўраевларнинг юқоридаги фикрлари янада конкретлаштирилади ва янги далиллар билан бойитилади. Жумладан, мақола муаллифининг таъкидлашича, Абулғозий Баҳодирхон томонидан “Шажараи тарокима” асарига иккита қўшиқ парчаси киритилган, уларнинг биринчиси Салор Қозон таърифига бағишланган. Иккинчиси эса Салор Қозон тилидан айтилган фахриядир. Мазкур фахрияда Салор Қозоннинг Ит-Бачана эли билан қилган савашни, унинг баҳодирликлари васф этилади, ғайридинларга қарши олиб борган курашлари Қўрқут ота тилидан баён қилинади.

«Китоби дадам Қўрқут» эпоси билан Хоразм дostonларининг сюжет ва мотивлари, образлар тизими ва бадииятида ўзаро ўхшашликлар мавжудки, бу эса махсус тадқиқотларни талаб қилади.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси режасидаги «Ўзбек фольклори ва ёзма адабиёти тараққиётида Хоразм адабий муҳитнинг тутган ўрни» мавзуси доирасида бажарилиб, УрДУ илмий-тадқиқот режалари таркибига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади туркий ўғуз ёдномаси бўлган «Китоби дадам Қўрқут» асаридаги айрим мотив ва сюжетларнинг Хоразм дostonларига бўлган муносабати, уларнинг қайта ишланиш тамойиллари ҳамда эволюцияси масалаларини ёритиш, образлардаги умумийлик ва алоҳидаликлар, дostonлардаги бахши услуби, оғзаки ва ёзма нутқдаги анъаналарни қиёсий ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

ўғуз эпосининг ёзувга олинishi анъаналари тарихига мурожаат қилган ҳолда мазкур анъананинг Хоразм эпик асарларидаги ривожланиш тамойилларини ёритиш;

«Китоби дадам Қўрқут» ҳамда Хоразм дostonларидаги мотив ва сюжетларни қиёсий тадқиқ этиш;

ҳар икки эпик матндаги образлардаги муштараклик ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

сюжет тизимидаги муқобилликларни қиёсий ўрганиш;

анъанавий фахрия ва пандномаларнинг эволюциясини аниқлаш;

дostonлардаги инициал формулаларнинг анъанавийлиги ва бахши бадиҳагўйлиги билан боғлиқ томонларини очиб бериш;

бадий тасвир воситаларидаги анъанавийлик ва янгиланиш тамойилларини таҳлил доирасига тортиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Китоби дадам Қўрқут» асарининг рус, озарбайжон ва ўзбек тилларидаги нашрлари, шунингдек, Хоразм воҳасидан ёзиб олиниб «Ошиқнома» рукни остида Урганчда нашр қилинган 8 та китоб таркибидаги 60 га яқин дostonлар манба сифатида танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек фольклорининг эпик турига мансуб

достонларининг тарихий-генетик асослари, достонлардаги қадимий мотив ва сюжетлар, уларнинг ўғуз эпоси анъаналари билан ўзаро алоқаси, эволюцияси, муштараклиги ҳамда алоҳидаликларини ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, этнофольклористик, матний таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек фольклоршунослигида илк бор Оролбўйи туркий халқлари достончилиқ анъаналарининг шаклланиши ва тараққий этишида ўрта аср ўғуз эпосининг мумтоз намунаси «Китоби дадам Қўрқут» таркибига кирувчи эпик сюжетлар муҳим аҳамият касб этганлиги исботланган;

Хоразм достонлари сюжет тизимидаги етакчи мотивлар ва образларнинг «Китоби дадам Қўрқут» билан қиёсий-тарихий таҳлили асосида ўзбек достончилигидаги ўғуз тип ижрочилиқ анъанасининг генетик илдизлари қадимги туркийларнинг архаик эпоси билан боғлиқлиги асосланган;

Ўғуз эпосидаги «Дали Домрул» шохобчаси асосида юзага келган «Жон ширин» ҳамда «Басатнинг Дапағўзни ўлдириши» шохобчасига мазмунан ўхшаш «Яккағўз» афсонасининг таҳлили орқали «Китоби дадам Қўрқут» асаридаги айрим мотивлар афсона тарзида Хоразм воҳасида ўзининг жонли ижро ҳолатини XX асрнинг иккинчи ярмига қадар сақлаб қолганлиги аниқланган;

Ўзбек халқ достонларидаги Ошиқ Ойдин, Оллоназар Олчинбек типидagi бахши-ўзон образи ҳамда эпик қаҳрамонга мадад берувчи ҳомий персонаж типининг шаклланиши ўғуз эпосида соз ва сўз устаси, шомон ва уруғ оқсоқоли сифатида тасвирланган Қўрқут ота ҳақидаги мифопоэтик тасаввурлар билан бевосита боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳасида яратилган эпик асарларнинг ўзига хос этнофольклорий минтақа сифатидаги хоссалари ойдинлаштирилиб, улардаги мотив ва сюжетлар «Китоби дадам Қўрқут» матнига солиштирилиб муштараклиги ва алоҳидаликлари очиб берилган.

Хоразм достонларидаги образлар тизими мумтоз эпосдаги айрим образларга қиёсланиб, уларнинг генетик илдизлари ёритилган.

Хоразм достонларида қўлланилган поэтик воситаларнинг эпос билан уйғун жиҳатлари ва тафовутлари тадқиқ этилди. Эпосдаги анъанавий кўчимларнинг эволюцияси аниқланган.

достонларнинг ёзма шаклга ўтиши, кейин ўша шаклдан яна оғзаки баёнга асосланувчи бадий нутққа кўчиши, ижрочилар билан боғлиқ эпик талқин жараёнини очиб бериш, достонлардаги бадиият билан боғлиқ ҳодисаларнинг чоғиштира таҳлили ва бошқа қатор омиллар тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги воҳада тарқалган достонларнинг тарихий тараққиёти ва ўзига хос хусусиятларининг «Китоби дадам Қўрқут» асаридаги анъанавий мотив ва сюжетлар билан қиёсий тарзда ўрганилиши ишончли нашрлар асосида тадқиқ этилганлиги билан

белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот ҳалигача махсус ўрганилмаган Хоразм дostonларининг «Китоби дадам Қўрқут» эпоси асари билан ўзаро муносабатини, анъана ва кашфиёт масалаларининг рўёбга чиқишини, дostonлардаги мотив, сюжет ҳамда образларнинг генетик илдизларини илмий жиҳатдан ёритиб бериши билан фольклоршунослик илмидаги муайян бир бўшлиқни тўлдиради.

Диссертациянинг илмий хулосалари ва материалларидан олий ўқув юртларида халқ оғзаки бадиий ижодиёти фани бўйича махсус курслар ўтишда ва маърузалар ўқишда, академик лицей ва коллежларда фольклор фанидан дарс машғулотлари олиб боришда, магистрант ва таянч докторантлар учун танлама фанлардан машғулот ўтказишда, битирув-малакавий ва курс ишлари ёзишда, ўзбек фольклоридан ўқув қўлланмалари, дарслик, мажмуалар, атамалар луғати яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. «Китоби дадам Қўрқут» эпоси сюжетининг Хоразм воҳаси дostonчилик анъаналарига таъсири ва воҳа бахшилари репертуаридаги эпик асарларда сақланиб қолган реликтларини тадқиқ этиш асосида олинган натижалар қуйидагича жорийланган:

«Китоби дадам Қўрқут» эпосида сюжетига мансуб мотивларнинг ўғуз эпик анъанасидаги бадиий эволюцияси ва Хоразм воҳаси дostonчилигига таъсири хусусидаги илмий-назарий хулосаларидан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-А1-Г002 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012-2016) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 25 июндаги 100/1-сон маълумотномаси). Натижада ўрта аср ўғуз китобий эпоси композицион қурилишини ташкил этувчи анъанавий мотивлар Оролбўйи минтақаси халқлари фольклоридаги дostonларнинг шаклланишига таъсир кўрсатганлиги далилланган;

«Китоби дадам Қўрқут» эпосининг ўрганилиши тарихида доир манбалар ва илмий адабиётлар таҳлилига бағишланган қисмидаги материаллардан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017-2020) амалий лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 25 июндаги 100/1-сон маълумотномаси). Натижада «Китоби дадам Қўрқут»нинг туркий, шу жумладан, ўзбек ва қорақалпоқ фольклоршунослигида тадқиқ этилиши тарихига оид янги манбалар илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган;

«Китоби дадам Қўрқут» эпосидаги айрим образлар генезисининг тарихий илдизлари «Авесто» мифологияси билан алоқадорлиги тўғрисидаги илмий-назарий хулосаларидан халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фонди қошидаги «Авесто» музейининг фаолиятини амалга оширишда

фойдаланилган (Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фондининг 2020 йил 19 июндаги 01-34-сонли маълумотномаси). Натижада фольклор асарларидан олинган маълумотлар асосида музейга ташриф буюрувчи ёшларга «Авесто»нинг шаклланиши тарихи ва моҳияти ҳақида маълумот берувчи буклетлар тайёрланган.

Хоразм дostonларининг ўзига хос бадиий хусусиятлари ва унда ўз ифодасини топган миллий кадриятларнинг тарихий асосларига доир илмий-назарий хулосалари, жумладан, «Китоби дадам Қўрқут» эпосида тасвирланган қадимий маросим ва кадриятларнинг воҳа дostonчилигидаги муштарак талқинлари таҳлили асосида чиқарилган назарий умумлашмалардан Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг «Таълим ва ҳаёт» радиоэшиттиришини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 24 ноябрдаги 919-сонли маълумотномаси). Натижада Хоразм воҳаси халқ дostonларида ўз ифодасини топган умуминсоний кадриятлар моҳиятини кенг қўламда тарғиб этишга эришилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулосалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Китоби дадам Қўрқут**» ва **Хоразм дostonлари**» деб номланади. Ушбу боб икки фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасли «**Китоби дадам Қўрқут**»нинг фольклоршуносликда ўрганилиши» масаласига бағишланган.

Ушбу маданий ёдгорликни оммага танитишда дастлаб немис шарқшунослари 1815 йилдан Диц, 1859 йилдан Т.Нельдеке ушбу китобнинг таржимаси ва тадқиқи билан машғул бўлишди. Кейинчалик Т.Нельдеке 1892

йилда ўз материалларини ўша пайтларда талабалик йилларини кечираётган В.В.Бартольдга тақдим қилади¹. В.В.Бартольд ўша пайтлардан бошлаб «Китоби дадам Қўрқут»ни таржима қилишга киришади. Охир-оқибат китоб таржимаси 1962 йилда тўлалигича ниҳоясига етказилиб, рус тилида нашр қилинади². У ўзининг «Турецкий эпос и Кавказ» мақоласида бу ноёб меросга батафсил тўхталади. Асардаги айрим мотивларни «Гўрўғли» эпоси билан таққослаб, кўплаб ўзаро яқинлик мавжуд эканлигини эътироф этади. В.В.Бартольднинг таъкидлашича, XV асрнинг II ярмида яшаган турк султони Боязид II нинг ўғли шаҳзода Қўрқут шеърят ва мусиқага ишқибоз бўлган ва ўзи ҳам шеърлар ёзиб, мусиқа чалишда ном қозонган. Бу тарихий шахс «Китоби дадам Қўрқут» асарининг пайдо бўлишида асосий ролни ўйнаган бўлиши мумкин. Чунки китобнинг шаклланиши ҳам ўша даврга бориб боғланади³. Албатта бу масала анча баҳсталабдир. Чунки, асардаги Қўрқут ота тўлалигича эпик қаҳрамон сифатида ўзини намоён қилади.

А.Ю.Якубовскийнинг фикрига қараганда ҳам Қўрқут отанинг тарихий шахс бўлганлиги ҳақиқатга анча яқин. Шарқшунос олим бу борада К.Иностранцевнинг Қўрқут ота образи XII асрда яшаб, 12 ўғуз қабиласи бирлашмаси дохийси Қўрқут Ибн Абдул Ҳамид шахси билан алоқадор деган фикрига қўшилади⁴. Қўрқут ота билан алоқадор ривоятларга қизиқиш, уларни тўплаш ва таҳлил қилиш А.Н.Самойлович тадқиқотларида ҳам кўплаб учрайди. «Китоби дадам Қўрқут» асари бўйича В.М.Жирмунскийнинг «Огузский героический эпос и «Книга Коркута» номли мақоласи алоҳида диққатга сазовордир⁵. Ушбу тадқиқот кириш ва хулоса билан биргаликда X қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисмда олим ўғуз эпосининг муайян бобларини тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилади.

X қисмда ўзининг тадқиқотида жиддий хулоса ясайди. «Китоби дадам Қўрқут» ўғуз тоифаси баҳши-ўзонларининг ёзувга олинган эпик ҳикоятлари мажмуидир. У турли даврларда турли ижодкорлар томонидан ўрта Осиёда, Сирдарёнинг қуйи оқимида ва ниҳоят Кавказда, Кичик Осиёнинг қўшни худудларида бунёдга келган. Қўрқут ота, Салор Қозон, Бурло хотун, Ўрозбек, Қора Кўна, Қора Будоқ каби образлар IX-X асрларга тегишли бўлиб, ўрта Осиёда шаклланган. Уларнинг илдизи Абулғозий Баҳодирхон қайд қилганидек, Қайи уруғи хонларининг ярим тарихий ҳаётларига бориб боғланади. Бомси Байрак билан алоқадор ривоятлар эса янада қадимий илдизларга эга бўлиб, V-VIII асрларга дахлдордир. Х.Г.Кўрўғли ўзининг «Ўғуз эпоси» (қиёсий таҳлил) мақоласида XV аср ўғуз ёдномаси билан туркий халқларга мансуб дostonлардаги мотивларни қиёслаб, тегишли хулосаларни баён қилади⁶.

¹ Бу ҳақда қаранг: Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. –Б.519-520.

² Книга моего деда Коркута. – М.-Л.: Наука, 1962.

³ Бартольд В.В. Турецкий эпос и Кавказ // Книга моего деда Коркута. – М.-Л.: Наука, 1962. – С.119-120.

⁴ Якубовский А.Ю. «Китаби Коркуд» и его значение // Книга моего деда Коркута. – М.-Л.: Наука, 1962. – С.121-130.

⁵ Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – С.517-631.

⁶ Короглы Х.Г. Огузский эпос (сравнительный анализ) / Типология народного эпоса. – М.: Наука, 1975. –

В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар «Алпомиш» достони ҳақида сўз юритилиб, ундаги сюжет асосининг «Китоби дадам Қўрқут» таркибидаги Бомси Байрак ва Бону Чечак саргузаштлари билан алоқадорлиги қайд қилинади⁷. Кейинчалик Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқов юқоридаги фикрларни ривожлантириб, муайян хулосаларни баён қилдилар⁸. Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, «Китоби дадам Қўрқут» ўзбек олимларини анча қизиқтириб қўйди. Асарнинг бадий қиммати ҳақида Б.Назаров⁹, Н.Раҳмонов¹⁰, С.Рўзимбоев¹¹, Ж.Эшонкул¹², Р.Жуманиёзов¹³, Х.С.Рўзимбоев¹⁴ каби олимлар турли фикрларни ўртага ташладилар.

«Китоби дадам Қўрқут» асари ҳақида турк олимлари, шунингдек, Озарбайжон олимларидан М.Тахмасиб, Ҳ.Орасли, М.Сеидов, Х.Г.Кўрўғли, О.Набиев, М.Ҳақимов, Ш.Жамшидов, Р.Рустамзодалар катта илмий-тадқиқот ишлари олиб боришди.¹⁵ М.Ҳақимов ёзма ёдномдаги Дапагўз образи юнон мифологиясидаги циклоп (якка кўз) таъсирида яратилган эмас, балки улар қадимги (ўғуз) туркий халқлар мифологиясидан ўзлашган, деган хулосага келади.¹⁶ Ш.Жамшидов ўғуз эпоси ёдномасини таҳлил қилар экан, «Китоби дадам Қўрқут»нинг биринчи варианты поэзияда яратилган, деб белгилайди¹⁷.

Қ.Мақсетов¹⁸, С.Баҳодирова¹⁹, К.Алламберганов²⁰ каби олимларнинг ишларида бу асарнинг турли қирралари ёритиб берилади. Ишда «Китоби дадам Қўрқут» борасида тадқиқотлар олиб борган хорижлик ва ўзбек олимларининг фикрига суянилган ҳолда зарурий хулосаларга келинди.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **«Китоби дадам Қўрқут» ва Хоразм дostonлари»** деб номланади.

Хоразм воҳаси ҳудудий жиҳатдан Ўзбекистоннинг чекка қисмига жойлашган бўлиб, туркий халқларнинг ўғуз тоифасига мансуб минтақага яқин туради. Шу сабабдан бўлса керак В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар бу минтақани Туркманистонни Ўзбекистон билан боғловчи ўзига хос

С.64-81.

⁷ Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С.72.

⁸ Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.43.

⁹ Назаров Б. «Қўрқут ота китоби» ҳақида // Ёшлик. –Тошкент, 1988. – №5. – Б.39-41.

¹⁰ Раҳмонов Н.А. Орхоно-Енисейский памятники и тюркские эпосы: АДД. – Ташкент, 1991. – С.31-38.

¹¹ Рўзимбоев С. Специфика, типология и поэтика хорезмских дастанов. АДД. – Ташкент, 1990. – С.31.

¹² Эшонкул Ж. Фольклор: образ ва талкин. – Қарши: Насаф, 1995. – Б.121.

¹³ Жуманиёзов Р. Донг қозонган достон. – Тошкент: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.62-67.

¹⁴ Рўзимбоев Х.С. Чет эл шарқшунослари ва Хоразм фольклори. – Урганч, 1994. – Б.16.

¹⁵ Акимов М. Художественные особенности героических и любовных дастанов Азербайджана. – Баку, 1986. – С.16; Джамшидов Ш.А. «Китаби Деди Коркут» как памятник азербайджанского народного творчества. АКД. – Баку, 1985. – С.20; Рустамзода Р.Б. Азербайджанские историко-героические дастаны. АДД. – Баку, 1988. –С.37.

¹⁶ Акимов М. Кўрсатилган асар. – Б.24-25.

¹⁷ Джамшидов Ш.А. Кўрсатилган манба. – Б.20.

¹⁸ Мақсетов Қ. Қарақалпақ қахарманлық дастанлары поэтикасы. –Тошкент: Фан, 1965. – Б.136-137.

¹⁹ Баҳадырова С. «Китаби дедем Қорқыт», «Қоблан», «Едиге» ҳам ҳазирги адабиёт ҳаққинда ойлار. – Нокис: Қарақалпақстан, 1992. – Б.13-14.

²⁰ Алламбергенов К. «Қоқыт ата китоби» ҳам Қарақалпақ қахарманлық дастанлары // Қарақалпақ муғаллимси. – Нокис, 1994. – №2-4. – Б.39-48.

кўприқдир, деб белгилайдилар²¹. Хоразмнинг ўтмиш тарихига разм соладиган бўлсак, «воҳадаги тарихий-этнографик жараён шимолий Эрон, жанубий Озарбайжон, умуман олд Осиё мамлакатлари билан шу даражада чамбарчас боғланганки, бу этнографик аралашувлар, ўзаро ижтимоий-иқтисодий алоқалар фольклор асарларида ўчмас из қолдирган».²²

Хоразмдаги этнографик жараёнларни текширган Г.П.Снесаревнинг ёзишича, Хоразм билан Кавказ халқларининг қадимий этногенетик аралашувини уруғ номлари орқали яққол тасаввур қилиш мумкин. «Баётлар, саётлар, қармишлар, таганлар, овшарлар, жувондирлар, жангаталилар, алилилар каби генетик жиҳатдан ўғуз қатламига алоқадор аҳоли гуруҳлари воҳадаги қадимги маҳаллий аҳолини туркийлаштиришда муҳим роль ўйнаганлар»²³. Бу уруғларнинг барчаси ўз навбатида озарбайжон ва туркман халқларининг этногенетик таркибда ҳам бор. «Китоби дадам Қўрқут» асаридаги Қўрқут ота ҳам баёт уруғига мансубдир.²⁴ Ана шу омилларнинг барчаси Хоразм минтақасида яратилган эпосни ўғуз эпоси билан узвий равишда боғлайди. Чунки уруғ ва қабила бирлиги фольклор асарларининг ўзаро генетик алоқадорлигининг асосий факторидир.

Бинобарин, ибтидоий ҳаёт давридаёқ, мифологик қарашлар асосида турли афсона ва ривоятлар тўқилиб, уларнинг марказида турувчи қаҳрамонлар ҳақида эпос вужудга кела бошлаган²⁵. Кавказ ва Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги маданий алоқалар бошқа турли-туман йўллар билан ҳам амалга ошиб келган. Х.Г.Кўрўғлининг маълумот беришича, «маданий алоқалар, қисман фольклор алоқаларини йўлга қўйишда сайёр бахшилар (бродячие сказители) хизматини ҳам унутмаслик лозим. Улар турли элларни кезиб, ўз халқининг эпик асарларини тарғиб қилибгина қолмасдан, ўз репертуарларини ҳам янги сюжетлар билан бойитишга улгурдилар»²⁶. XVII асрга келиб китобий дostonларни қайта ёзувга кўчириш, уларнинг янгиларини ёзиб олиб китобат қилиш ишлари Хоразмда кенг авж олган. Бу эса қиссахонлик анъаналарининг ривожланишига олиб келган.²⁷

Генетик алоқалар «Китоби дадам Қўрқут»даги кўплаб мотивларнинг азалдан ўрта Осиё туркий халқлар фольклорига мансублигини кўрсатса, сўнги маданий алоқалар мумтоз ёдгорликнинг Ўрта Осиё халқлари фольклорига, хусусан эпос намуналарига бўлган сезиларли таъсиридир. Буни кейинги даврларда шаклланган «Гўрўғли» туркуми дostonлари тўла тасдиқлайди.

1. «Гўрўғли» туркуми дostonлари. Ушбу дostonлар туркумининг куйидаги шохобчалари «Китоби дадам Қўрқут» асаридаги турли мотивларга

²¹ Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – С.493.

²² Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. – Урганч: УрДУ, 2008. – Б.5.

²³ Снесарев Г.П. Объяснительная записка к «Карте расселения узбеков на территории Хорезмской области. (конец XIX – начало XX в.) // Хозяйственно-культурный традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1975. – С.92.

²⁴ Книга моего деда Коркута. – С.145.

²⁵ Колер И., Ранке Н., Ратцел Ф. История человечества. – СПб.: Полигон, 2003. – С.78.

²⁶ Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. – М.: Наука, 1989. – С.23.

²⁷ Жуманиёзов Р. Донг қозонган дoston. – Тошкент, 1993. – Б.65.

мос келади: 1. **Гўрўғлининг дўрайиши** (туғилиши). Ғайритабиий туғилиш, исм кўйиш, отига, қуролига эга бўлиш мотивлари, «Хирмондали», «Араб танган»,²⁸ «Эдига», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»,²⁹ «Ошиқ Албанд», «Саёд ва Ҳамро»,³⁰ «Юсуф ва Аҳмад»,³¹ «Хурлиқо ва Ҳамро», «Шаҳриёр», «Ошиқ Ғариб ва Ҳилола пари»,³² «Ошиқ Маҳмуд»,³³ «Хиромон пари»,³⁴ «Асил ва Карам»,³⁵ «Мискин ва Гулқанд»,³⁶ «Ройи чин»³⁷ каби дostonлардаги шикорга чиқиш, хайвонлар, қушлар билан мулоқот мотивлари, шунингдек, дostonлардаги анимистик қарашлар, поэтик лексикадаги ўзига хосликлар ва турли бадий воситалар ўғуз эпосидаги мотив ва тасвир тамойилларига уйғун келади. Бу эса Хоразм дostonларининг деярлик барчаси билан «Китоби дадам Қўрқут» ўртасида генетик алоқадорлик мавжуд, деган хулосани беради.

Шунингдек, ишимизда ҳар икки матндаги эпик баён, бахши нутқи, бадий тасвир воситаларидаги ҳамоҳанглик масалаларига ҳам асосий эътибор қаратилган. Бобнинг охирида кўриб чиқилган муаммолар бўйича қисқача хулосалар берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Китоби дадам Қўрқут**»даги **мотив, сюжет ва образларнинг Хоразм дostonларига қиёсан тадқиқи**» деб номланиб, икки фаслни ўз ичига олади. «**Мотивлар силсиласидаги умумийликлар**» номли фаслда эпик қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши, эпик қаҳрамоннинг жанговор от ва қуролига эга бўлиши, тасодифий учрашув, ота-бола орасига низо солиш, сархушлик ва асир тушиш, туш каби мотивлар ўзаро қиёсий равишда таҳлилга тортилади.

Эпосга хос асосий хусусиятлардан бири шуки, унинг таркибида энг қадимий мифологик мотивлардан тортиб, дoston куйланаётган ижтимоий тузумга хос янги воқеаларга ўз ифодасини топади. Эпосдаги «ибтидоий урф-одатлар ва ҳуқуқий нормалар ҳақидаги хотиралар эпик идеалнинг субстрат қисмини ташкил этади».³⁸ Ҳар иккала эпик матндаги мотивлар талқини эпосдаги воқеаларнинг тарихий асослари, бадиияти, ўзаро боғлиқлиқлиги ҳақида маълум хулосаларга келишимизга асос бўлади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «**Сюжет тизими ва образлардаги муқобилликлар**» деб аталган бўлиб, унда ҳар иккала асардаги айрим образлар қиёсига эътибор қаратилади. Мумтоз ўғуз эпосида шундай шохобчалар борки, уларда ишлатилган мотивлар бир тизимга солиниб мухтасар бир сюжет шаклланган. Ана шу сюжетга ўз мотивлари билан

²⁸ Гўрўғли. – Урганч: Хоразм, 2004.

²⁹ Ошиқнома. II китоб. – Урганч: Хоразм, 2006. – Б.12-138.

³⁰ Ошиқнома. I китоб. – Урганч: «Хоразм», 2006. – Б.9-103.

³¹ Ошиқнома. III китоб. – Урганч: Хоразм, 2008. – Б.10-186.

³² Анаш халфа. – Тошкент: Миллий кутубхона нашриёти, 2006. – Б.60-76.

³³ Ошиқнома. II китоб. – Урганч: «Хоразм», 2006. – Б.298-342.

³⁴ Ўша манба. – Б.254-297.

³⁵ Ўша манба. – Б.254-297.

³⁶ Ўша манба. – Б.207-253.

³⁷ Ошиқнома. I китоб. – Урганч: «Хоразм», 2006. – Б.136-169.

³⁸ Мелетинский Е.М. Введения в историческую поэтику эпоса и романа. – М.: Наука, 1986. – С.63.

деярлик мос келадиган Хоразм достонлари ҳам мавжуд.

«Китоби дадам Қўрқут» эпосининг учинчи ва олтинчи шохобчалари «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Саёд ва Ҳамро», «Юсуф ва Аҳмад» достонларига сюжет жиҳатдан жуда яқинлиги айрим тадқиқотларда таъкидланган.³⁹ «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонининг сюжетидаги мотивларнинг айримлари С.Рўзимбоевнинг ишларида қиёсан ўрганилган.⁴⁰

Диссертациянинг ушбу фаслида мумтоз ўғуз эпосидаги «Бомси Байрак» шохобчаси «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони сюжети билан мотивлар тизими қиёсан кўриб чиқилди. Ҳар иккала эпосдаги сюжет конкрет мисоллар орқали кенг таҳлил этилган, сюжетдаги ўхшаш ва алоҳидаликлар ёрқин кўрсатиб берилган. «Китоби дадам Қўрқут» ва Хоразм достонларидаги образлардаги ўхшашликлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Образ тафаккурнинг рухий ва рационал даражасига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради.⁴¹ Ҳар бир давр эпосда ўз изини қолдиргани сабабли образларда ҳам ижтимоий онг билан боғлиқ эволюцион ўзгариш юз беради.

Эпосдаги образлар ана шу боисдан трансформациялашиб боради, бу жараён ундаги муболағавий тасвирни тобора камайтиради. Натижада образ, персонажда сифат ўзгариши рўй беради.⁴² Ушбу фаслда Хоразм достонларидаги Гўрўғли, Хирмондали, Саёдхон, шунингдек, анъанавий хомий қиз образларига (Бикир қиз, Қора кўз) ҳам эътибор қаратилиб, мисоллар орқали таҳлилга тортилган. Фасл ниҳоясида эпослардаги мифологик образлар (Дапа гўз, Эдига) қиёсига асосий эътибор қаратилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Эпик матн бадиияти**» деб номланиб у уч фаслдан иборат.

Эпик қаҳрамонни улуғлаш, унинг фаолиятини мадҳ этиш, ғалабаларини таърифлаш, унга лойиқ маъшуқа сифатларини тавсиф қилиш ижрочидан сўз санъати сирларини мукаммал билишни талаб этади. Ушбу бобда ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, достонлардаги турли инициал формулаларнинг қиёсига эътибор қаратилади. Бобнинг биринчи фаслида «**Ҳошиявий формулалар**» қиёсан таҳлил этилади. Одатда ҳошиявий формулалар достон бошланмаси ва тугалланмасида намоён бўлади.

«Китоби дадам Қўрқут»нинг ўн икки шохобчасида ҳам ўзига хос ҳошиявий формулалар ишлатилган. Масалан, «Дерсахон ўғли Буқачхон» деб номланган биринчи шохобча шундай бошланади: «Кунлардан бир кун Комхон ўғли хон Баёндур оёққа қалқди. Шомдан келтирилган соябони кўкни, чодирлари ер юзини эгаллади. Мингта ипак гиламларни тўшади. Хонлар хони хон Баёндур йилда бир марта зиёфат бериб, ўғуз бекларини меҳмонга таклиф этар эди».⁴³ Ушбу бошланмадан кўринадики, тасвир қисқа ва оддий, макон ва замон ҳақида батафсил маълумот берилмайди.

³⁹ Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса и народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. – М.: Наука, 1986. – С.181.

⁴⁰ Рўзимбаев С. Специфика, типология и поэтика хорезмских дастанов. АДД. – Ташкент, 1990. – С.31.

⁴¹ Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.: Изд. АН., 1963. – С.107.

⁴² Криничная Н.А. Персонажи преданий: становление и эволюция образа. – Л.: Наука, 1988. – С.178.

⁴³ Книга моего деда Коркута. – М.-Л.: Наука, 1962. – С.14.

Хоразм достонларида бундай хусусият “Гўрўғли” туркуми достонларида кўзга ташланади: «Ана кунлардан бир кун Гўрўғли тўқсон ёшидан ошиб қарилик сезилиб, белдан қувват, кўздан нур кетаётгани билиниб, ўйлаб-ўйлаб, кўнглига хафачилик келди».⁴⁴ «Бир куни», «Кунлардан бир куни» тарзида воқеани бошлаш ҳар иккала эпосда анъанавий тарзда қўлланилади.

Мумтоз ўғуз эпосининг саккизинчи шохобчасидаги – “Босотнинг Дапа гўзни ўлдириши”да воқеа: «Магар, хоним, бир кун ўғуз ўтирганда устига ёғий келди. Тун эди. Қўрқиб қочди»⁴⁵ тарзида бошланади. Шунингдек, «Китоби дадам Қўрқут»нинг айрим шохобчаларида «Қадим замонда» ибораси ўрнида муайян тарихий муддатлар билан алоқадор сўзлар ишлатилади. Китобнинг бошланиши шундай берилади: «Пайғамбар алайҳиссалом замонига яқин, Баёт уруғидан Қўрқут ота деган эр дунёга келди».⁴⁶ Китобнинг олтинчи шохобчаси қуйидагича бошланади: «Ўғуз замонида Қангли Хўжа деган доно бир киши яшаб ўтди. Унинг Қон Тўрали исмли бўй етган, паҳлавон ўғли бор эди».⁴⁷ «Гўрўғли» эпосида бу ибора «Қадим айёмда, ўтган замонда Рум шаҳринда бир бой ўтган экан»⁴⁸ шаклида берилади.

Ҳар иккала асарда бошланма формулаларнинг берилиши анъанавий жихатдан мос келади, ўз навбатида ўғуз эпосидаги формулалар ўз даври билан боғлиқ муайян ўзгачаликка эга. Ҳошиявий формулаларнинг финал шакли ҳар иккала эпосда ҳам маъно ва тузилиши жихатидан асосан мос келади.

Мумтоз эпоснинг ўнинчи шохобчаси қуйидагича яқунланади: «Улар олтин соябонли чодирга кирдилар. Едилар-ичдилар, катта ўғилга ҳам бир келин туширдилар. Икки оға-ини бир-бирига куёв жўра бўлди. Мурод-мақсадига етдилар».⁴⁹ «Бомси Байрак» шохобчаси ҳам ушбу тугалланмага яқин иборалар орқали яқунланади: «Қирқ кеча-кундуз тўй этдилар, йигитлар Байрак билан мурод-мақсадига етдилар».⁵⁰ Одатда эртак ва достонлар ниҳояси асосан «мурод ва мақсадга етиш» билан яқунланади. «Қирқ кеча-кундуз тўй» ибораси ҳам кўп ишлатилади. Ушбу иборалар «Қўрқут ота» китобигача ҳам туркий халқлар эпоси учун асосий фаол анъаналардан бири сифатида қўлланилиб келинганлигига шубҳа қилмасан ҳам бўлади.

«Гўрўғли» эпосининг анчагина шохобчалари ушбу тахлитдаги формулалар билан ниҳояланади: «Гўрўғли олиб келган мол-дунёларини йигитлари ва бева-бечораларга бўлиштириб берди, уч кеча-кундуз тўй – томоша қилиб, муроду мақсадларига етди».⁵¹ Албатта бу анъанавий

⁴⁴ Гўрўғли. – Урганч: «Хоразм», 2004. – Б.433.

⁴⁵ Книга моего деда Коркута. – М.-Л.: Наука, 1962. – С.16.

⁴⁶ Ўша манба. – Б.11.

⁴⁷ Ўша манба. – Б.95.

⁴⁸ Ўша манба. – Б.48.

⁴⁹ Гўрўғли. – Урганч: «Хоразм», 2004. – Б.242.

⁵⁰ Книга моего деда Коркута. – М.-Л.: Наука, 1962. – С.101.

⁵¹ Ошиқнома. IV китоб. – Урганч: «Хоразм», 2009. – Б.294.

формулар ҳар иккала эпосда ҳамма ҳам қўлланилавермайди. Аксарият ҳолларда воқеа ниҳоясига етиши билан асар якунланади. Хоразм дostonларида бу борада анъанавийлик сақланган ҳолда ижтимоий тузум ва ижрочилар дунёқарашини билан боғлиқ муайян ўзгаришлар рўй берган.

Бобнинг иккинчи фасли «**Насрдан назмга ўтиш анъаналари**»нинг қиёсий таҳлилига бағишланган.

«Китоби дадам Қўрқут» эпоси ҳам наср ва назмдан иборат. Лекин, В.В.Бартольд таржимасида назм сўзма-сўз таржимада берилган. Бошқа туркий халқлардаги вариантларда наср ва назм алоҳида берилиб, оригиналдаги ҳолат сақланган. Шу сабабли шеърини намуналарини ўзбекча таржимадан олдик.

Шу нарсани таъкидлаш жоизки, «Китоби дадам Қўрқут» эпосида насрдан назмга ўтишда ўзига хос медиал формулар қўлланилганки, уларнинг айрим кўринишлари Хоразм дostonларида ҳозиргача ишлатилади. Ушбу анъаналар фақат оғзаки тарқалган дostonлардагина етиб келган.

Мумтоз ўғуз эпосида насрдан назмга ўтишда тингловчининг эътиборини тортиш, унда дoston воқеаларига рағбат уйғотиш учун ўзига хос ифодалар ишга солинади: «Дерсахон ўғли Буқачхон» деб номланган биринчи шохобчада шундай ифодалар учрайди: «Дерсахон ўз уйига етиб келади. У ўз аёлига баланд овозда сўзлай бошлади. Кўрайлик-чи, Хоним, у не сўзлаган экан». ⁵² «Дерсахон ўз ўғлини танитай, унга қараб бир сўз сўйламиш, эшитайлик, Хоним не дер экан». ⁵³

Шимолий Хоразмдаги қипчоқ шеvasида сўзловчи бахшилар нутқида мазкур ифодалар жуда фаол қўлланилади. Гурланлик бахши Жумабой Худойбергановдан (Сакрак бахши) ёзиб олинган «Гўрўғли» туркумига кирувчи қатор дostonларда ушбу медиал формулар турли шаклларда кўплаб ишлатилади: «Гўрўғли ёнига Оға Юнус парини чакириб, ўтган-кечганларини, ёшлигини эслаб бир сўз айта берди. Ана кўрик не деди». ⁵⁴ «Оға Юнус пари йиғилган халойиққа, йигитларга қараб ана бир сўзларни айтвотир. Қани, не деган экан?» ⁵⁵ Бу услуб манғитлик Турсун бахши Жуманиёзов нутқида ҳам тез-тез учраб туради. Унинг репертуаридаги «Хурлиқо ва Ҳамро» дostonида буни яққол кўриш мумкин. «Хурлиқо қалтираб турган қозига қараб бир сўз айтди. Айтувчи Хурлиқо паризод, эшитувчи Ҳури Заъфарон билан қози Эшон, кўрайлик қани не деган экан?» ⁵⁶.

Бобнинг таркибидаги учинчи фасли «**Бадиий тасвир воситаларидаги ҳамоханглик**» деб номланиб, унда ҳар иккала эпосдаги ўхшатишлар, эпитетлар, муболағалар, символлар, шунингдек, бадиий нутқда ишлатилган мақол ва ҳикматли сўзлар қиёсига эътибор қаратилади.

Қўрқут ота китобида йигит ва қизлар ҳақида гап кетганда уларнинг гўзал

⁵² Книга моего деда Коркута. – М.-Л.: Наука, 1962. – С.14.

⁵³ Ўша манба. – Б.20.

⁵⁴ Гўрўғли. – Урганч: «Хоразм», 2004. – Б.433.

⁵⁵ Ўша манба. –Б. 439.

⁵⁶ Ошиқнома. III китоб. – Урганч: «Хоразм», 2006. – Б.309.

